

Тоғ-кон саноати ва геология вазирининг МУРОЖААТИ

Ҳурматли ҳамкасблар ва ҳамкорлар!

Коррупция муаммоси сўнгги йилларда жаҳон миқёсда трансмиллий жиноят сифатида халқаро ташкилотлар томонидан кенг муҳокама қилинаётган мавзу ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида, шу жумладан саноат объектларида коррупцион омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги, “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунлари ва 20 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Мазкур соҳда зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Кон-геология вазирлиги ва тизим корхоналарида коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тузилмалари ташкил этилди. Уларнинг асосий вазифаси – тизимдаги коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини ишлаб чиқиш, шунингдек ходимлар ўртасида тушунтириш-профлактик ишларини олиб бориш, коррупция хавфи мавжуд бўлган ҳолларда уни бартараф қилишдан иборат.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашишга қаратилган ички меъёрий ҳужжатлар ва тартиб-қоидалар, жумладан “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати”, “Одоб-ахлоқ кодекси”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати” каби 20 дан ортиқ нормалар қабул қилинди.

Тизимда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, кадрларни танлашда коррупциявий омилларни бартараф этиш, коррупцияга қарши курашиш амалиётига тизимли превентив чораларни кучайтириш ва мазкур соҳадаги билимларни узлуксиз ошириш мақсадида ISO 37001 халқаро стандарти талаблари босқичма-босқич амалиётга тадбиқ этилмоқда. Бугунги кунда **Кон-геология вазирлиги** ва **7 та** тизим корхонаси коррупцияга қарши кураш менежмент тизими бўйича ISO 37001 **халқаро мувофиқлик сертификати**га эга.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги коррупциоген омилларнинг ўз амалиётида ҳеч қандай шакл ва кўринишларда қабул қилмайди, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизликнинг шаклланишига ҳисса қўшади. Ҳар доим ўзининг барча мажбуриятларини садоқат билан бажаради, қонунчиликка қатъий

амал қилади, тенг рақобат тамойилларига ва ҳалоллик, очиқлик ҳамда корпоратив маданиятни қуришга алоҳида эътибор беради.

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт. Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур” деган чақириғи бизнинг ҳаётий шиоримизга айланиши лозим.

Шундай экан, Вазирлик тизимидаги ҳар бир корхона раҳбарлари ва ходимлари коррупцион ҳолатларни олдини олиш ва унга чек қўйиш учун масъул эканликларини англаб етишлари зарур.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ўз навбатида, коррупцияга қарши талаблар ва ахлоқий меъёрларни ҳисобга олган ҳолда ҳар доим ўз зиммасига олган мажбуриятларини виждонан бажаради ва қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини кафолатлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳамкасбларимиз ва ҳамкорларимизни иш юритиш стандартларига ҳамда коррупцияга қарши тамойилларга риоя қилишга, эҳтимолий қонунбузарликлар ҳақида хабар беришга ва шубҳа туғилган тақдирда, бизга ўз мурожаатларини юборишга яна бир бор чорлаб қоламиз.

Ҳурмат билан,

Б. ИСЛАМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазири.